



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 82 (13.929)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 май кунги Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 21 декабрь кунги бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида пойтахтимизни йирик ишбилармонлик марказига айлантириш, инвестицияларни фаол жалб қилиб, замонавий корхоналар ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланган эди. Шунга мувофиқ, жорий йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантиришга тўғриван тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда пойтахтимизда кичик саноат зоналари ва технопарклар инфратузилмасидан самарали фойдаланиб, юқори технологияли қувватларни ташкил этиш, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида туририбди.

13 май кунги Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам тўғриван-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда Тошкент шаҳрида замонавий саноат корхоналари ташкил этиш ишлари таҳлил қилинган эди.

Аввал берилган топшириқларга мувофиқ, Тошкент шаҳрида амалга ошириш учун умумий қиймати 617 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Аҳамиятлиси шундаки, ушбу лойиҳаларнинг барчаси саноат соҳасига оид бўлиб, улар ижроси натижасида 10 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Ҳар йили қарийб 1 миллиард долларлик бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 290 миллион доллардан зиёд экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Лойиҳалар қўшимча қиймати ва маҳаллийлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Кенг турдаги маиший техника, лифт ва эскалаторлар, насослар,

сув иситкичлар, қоғоз, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший кимё воситалари, заргарлик ва шиша буюмлари шулар жумласидандир.

Инвесторлар ва ташаббускорлар ўз лойиҳалари юзасидан тақдимотлар ўтказди. Ушбу корхоналар Тошкент механика заводининг ҳозирда фойдаланилмаётган бино ва майдонларида ташкил этилади. Улар 2019-2020 йиллар давомида ишга туширилади.

Президентимиз ушбу лойиҳалар шаҳарнинг мавжуд инфратузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатидан муҳимлигини таъкидлаб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берди. Мутасаддиларга харидорғир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати камида 1 миллиард доллар бўлган қўшимча лойиҳалар шакллантириш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЗАРГАРЛИК ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатда маҳаллий заргарлик тармоғини тиклаш ва ривожлантириш бўйича изчил сазой-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлдан фойдаланиш имкониятини берилиши ишлаб чиқарилаётган маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш имконини яратди.

Шу билан бирга, соҳада тизимли камчиликларнинг мавжудлиги инвестицияларни фаол жалб қилиш, сифатли заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва янги лойиҳаларни ташкил этиш, ушбу маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга тўсқинлик қилиб, тармоқ ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сифатли ва рақобатбардор заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш, рақобатбардор ва сифатли заргарлик буюмларини тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, республика заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасининг 2019 йил 1 июлдан бошлаб қўйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулланган:

заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқарувчилар рўйхатдан ўтказилган шахсий таъминоти буюмга боғлиқ шартли билан давлат асиллик даражаси белгисини мажбурий равишда қўймасдан ўзи ишлаб чиқарган, заргарлик ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан эсалган бошқа буюмларнинг (кейинги ўринларда – заргарлик буюмлари) асиллик даражасини мустақил белгилаш ва уларга белгиланган намунадаги асиллик даражаси белгиси изларини қўйиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда таъғалаш ва асиллик даражаси белгисини қўйиш тартибини бузган ҳамда кўрсатилган намунага мувофиқ келмайдиган заргарлик буюмларини сотувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар заргарлик тармоғидаги ноҳалол тадбиркорлик субъектлари ростирига киритилди, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган, шу жумладан, лицензия ёки рўхсат берувчи бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиш бўйича таъсир чоралари қўлланилади;

заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни мустақил равишда чакана тартибда сотиш, шунингдек, аҳолидан қимматбаҳо металл парчалари, қимматбаҳо тошлар ва улардан эсалган буюмларни ишлаб чиқариш мақсадида қимматбаҳо металлларни қўллаб-қувватлаш давлат жағмаси томонидан компенсация қилиш орқали маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилсин.

3. 2019 йил 1 июлдан бошлаб қимматбаҳо металлларни сотиб олиш учун берилган миллий валютадаги тижорат банклари кредитлари бўйича фозиз харажатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган, бироқ кредитлар бўйича 5 фозизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисмида қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жағмаси томонидан компенсация қилиш орқали маҳаллий заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилсин.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббуснинг бири ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳисобланади.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда мамлакатимиздаги хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига 8 минг нусхада китоб совға қилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти ва улар қошидаги Конфуций институти, Ўзбекистон давлат жaxon тиллари университети, Хитой миллий маданий маркази вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цзян Янь хоним, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Абдураҳим Маннонов ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасида қўллаб-қувватлаш қатори таълим йўналишида, хусусан, ўзбек ва хитой тилларини ўқитиш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилганини кайд этди.

Бугунги кунда Хитой Марказий миллиятлар университети, Пекин чет тиллар университетидида ўзбек тили ўқитилмоқда. Хитойнинг нуфузли ўқув академик муассасаларида Шанхай халқаро тадқиқотлар университетида алоҳида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида очилган Конфуций институти юртдошларимизни хитой тили ва маданияти билан яқиндан таништириб келмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларида хитой тилини ўқитиш бўйича замонавий марказлар ташкил этилган.

Муассасамиз Хитойнинг ўндан зиёд ўқув юрти билан ҳамкорликни йўлга қўйган, – дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти хитойшунослик факультети декани Сабохат Хошимова. – Мингдан ортиқ талабамиз хитой тилини ўрганмоқда. Институтиимиз қошида фаолият олиб бораётган Конфуций институти ўқувчилари сони эса 600 нафардан ошган. Бу юртимизда ёшларнинг хитой тилини ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганидан далоят.

Тадбир доирасида "Хитой тили кўприги" халқаро талабалар танловининг мамлакатимиздаги финал босқичи ҳам ўтказилди. Унда Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Акбар Турсунов голиб деб топилиб, Хитойда ўтказиладиган "Хитой тили кўприги" танловида қатнашиш имконини қўлга киритди.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

Фарғонада "Шошилч тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари: шошилч тиббий ёрдамнинг шифохонагача бўлган босқичи замонавий тамойиллари ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика шошилч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Шошилч тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҲУКУМАТ ДАВЛАТ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛАРГА ИЛК БОР ҲИСОБОТ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш боробарида, Бош вазир ва Ҳукумат аъзолари Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан Олий Мажлис палаталари олдида ҳар чоракда ҳисобот бериш бориши белгилаб берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, мазкур янги институти амалиётига таъбиқ этиш ишлари бошланди. 2019 йил 18 май кунги Олий Мажлис Қонунчилик палатасида илк бор Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дасту-

рининг 2019 йил биринчи чоракда бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Ҳисоботни Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимов тақдим этди.

Ҳисоботда келтириб ўтилганидек, Президентимиз ташаббуси билан яратилган Маъмурий ислохотлар концепциясини изчил амалга ошириш боробарида, Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий жиҳатдан қайта қўриб чиқилиб,

фаолияти янги мазмун билан бойитилгани, йирик ҳўжалик бошқарув субъектларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этилгани Ҳукумат томонидан Давлат дастурининг биринчи чорак учун белгиланган устувор вазифаларини ўз вақтида, сифатли ижро этилишини таъминлашда муҳим омили бўлди.

(Давоми 3-бетда)

ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Иккинчи ўқишда қўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазкур палатанинг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, жумладан, унинг ислохотларнинг янги босқичида, бугунги тўб ўзгаришлар шароитида самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган.

Парламент қўйи палатасининг аввалги мажлисидаги қизгин муҳокамаларда сиёсий партиялар фракциялари, Экоҳаракат депутатлик гуруҳи, қўмиталар ҳамда алоҳида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг қонда ва нормаларни тақомиллаштириш юзасидан билдирилган тақлифлар, фикр-мулоҳаза ҳамда қўйилган саволлари атрофида қўриб чиқилиб, инобатга олинди. Хусусан, лойиҳада Ҳисоб палатасининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, прин-

циплари ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатларига муайян аниқликлар киритилди. Ахборот ва маълумотлар алмашинуви соҳасида палатанинг давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари, унинг қонуний талабларини бажаришининг мажбурийлиги ҳақидаги нормалари тақомиллаштирилди. Шунингдек, палата фаолиятининг ташкил қилиниши билан боғлиқ қондалар маромига етказилди. Лойиҳага норматив-ҳуқуқий атамаларнинг ягона шаклда, тўғри қўлланилиши, нормаларнинг содда-равон акс эттирилиши, адабий тил қондалари талабларига ҳамда юридик техника ва бошқа махсус қондаларга аниқ риоя этилишини таъминлаш борасида тегишли аниқлик киритилди.

(Давоми 3-бетда)

янги 6427- ҳамда 6428-сонли Тошкент – Хўжакент – Тошкент шаҳарлараро тезроқ поезд ҳаракатини йўлга қўйди. Катновлар ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунлари амалга оширилади. Йўловчилар учун яна бир афзаллик – мазкур тезроқ поезд йўл давомида ҳеч қандай оралиқ бекатларга тўхтамайди. Бу эса манзилга тез етиб боришга хизмат қилади.

Бухоро шаҳрида араб тилига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ташкил этиш режалаштирилмоқда. Мазкур мактаб жаҳон миқёсида араб тилининг мавқеи ўсиб бораётганлиги ҳамда БМТнинг расмий тилларидан бири эканлигини инобатга олинган ҳолда, ёшларни араб тилини пухта ўзлаштиришга қизиқишини кучайтириш ва келажакда малакали арабшунос кадрларни тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дўстлик ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш учун ташкил қилинмоқда. Янги таълим муассасаси ўқувчи-

ларда араб тилида мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш ва уларни фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этишларини таъминлайди.

ЖАҲОНДА

Россиялик 67 ёшли саёхатчи Фёдор Конохов Янги Зеландиядан 2018 йил 6 декабрда йўлга чиқиб, 11 минг километр масофани босиб ўтиб, Чилидаги портга эсон-омон етиб келгани ҳолда Тинч океанининг жанубий қисмини эшакларда босиб ўтган жаҳондаги биринчи инсон сифатида ўзига хос рекорд ўрнатди. Конохов ўз олдида дунёдаги энг улкан уммон – Тинч океанини учта босқичда тўлалигича босиб ўтиш мақсадини қўйган.

Хитой жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб АҚШдан импорт қилинадиган товарларга қўшимча бож тўловларининг жорий этилишини маълум қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат дастурининг бажарилишида бир қатор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги Фармони билан белгиланган устувор йўналишларни сифатли, самарали амалга ошириш, ҳисобот даврида макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий-ижтимоий соҳанинг бардовом ривожланишини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, жозибдор инвестиция муҳитини яратиш, республика ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини юксалтириш, маъжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўришга устувор аҳамият берилди.

Шу давр ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва харажатларни ҳамда бюджет тақчиллиги мўътадиллигини таъминлаш катта аҳамият касб этди. Мамлакатда амалга оширилган изчил ташқи савдо сийсати тўғрисида экспорт ҳажми ҳамда жами ташқи савдо айланмасининг орттишига эришилди.

Республикада яратилган қулай инвестиция муҳити натижасида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши жадаллаштирилди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурининг алоҳида аҳамияти бор. Хорижий инвестициялар иштирокида молиялаштиришнинг сезиларли ўсиши таъминланди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробарни ташкил этди.

Амалга оширилаётган бунёдкорликлар орасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, уй-жой, ичимлик сув билан таъминлаш ишлари алоҳида аҳамият касб этиб, сезиларли ўсиш кузатишмоқда.

Ўтган даврда Ҳукумат фаолиятида ижтимоий масалалар билан шуғулланиш устувор вазифалиги таъминланди, аҳолининг бандлиги, соғлиқни сақлаш, таълим тизимини такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор берилди. Шу ўринда "Хар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келажагимиз", деҳқон ҳўжаликлари ва шахсий томорқа ерларини ривожлантиришга доир дастурлар асосида иш ўринларини яратиш жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида амалга оширилаётган яратувчилик ишлари натижасида замонавий қишлоқларда (жами 478 та) 312 миң 549 хонадон қурилиб, 1,7 миллион нафар аҳолининг, шаҳарлардаги маҳаллаларда эса 496 миң аҳолининг яшаш шароити яхшиланди. Буларнинг барчаси бир мақсадга – мамлакат тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилапти.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи депутатлар томонидан ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилинди. Парламент вакиллари, авваламбор, Давлат дастурида белгиланган, ўтган даврда ишлаб чиқилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг Олий Мажлис қўйи палатасига ўз вақтида киритилиши ҳамда мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан боғлиқ масалалар ечимига алоҳида аҳамият қаратилди. Давлат дастурининг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратинг янада таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, бунда парламент назоратининг барча шаклидан унумли фойдаланиш зарурлиги кайди этилди.

Ҳукумат ҳисоботи юзасидан ҳар бир сийсат партия фракцияси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ўз нуктаи назарини баён қилди.

Жумладан, сийсат партиялар фракцияларини аъзолари Давлат дастурининг 2019 йил биринчи қорғида ижроси таъминлишини режалаштирилган 63 та банддан амалда 46 таси бажарилганига эътибор қаратар экан, ўз вақтида адо этилмаган бандлар бўйича асосли эътирозлар билдирилди. Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш, давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларидаги маъжуд бюрократик тўсиқ ва субъектив омилларни бартараф этиш юзасидан Ҳукумат алоҳида кўрсатмадан нозорат норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиб, қатъий назоратни амалга ошириши лозимлиги, зарур ҳолларда депутатлар билан бу соҳада фаол ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурлигини билдириб ўтдилар.

Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Шухрат Бафев** йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз сийсат, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида кўп ижобий ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. Депутатнинг қайд этишича, парламентда кизгин муҳокама билан қабул қилинган "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун жаҳон бозорларга интеграциялаш ва экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича божжона мазмуриятчилигини янада либераллаштириш, божжона тартиб-таомилларини соддаштириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олди. Шу жиҳатлар билан у партиянинг марказдаги ва жойлардаги вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар томонидан аниқ кутилган ҳужжат бўлди.

Ўзбекистоннинг халқаро евро облигацияларини илк бора Лондон биржасида жойлаштириш орқали мамлакатимизнинг халқаро молиявий бозорга кириб бориши, халқаро евро облигацияларнинг мазкур биржада жойлаштирилиши мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар билан жаҳон молия бозорларида соғлом рақобат қилиш имкониятини яратди.

Шунингдек, Президентимиз қарори билан кўчмас мулк-

нинг ҳуқуқий асослари, кадастр ҳисобини юритиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига ноқонуний аралашувлар бекор қилингани боис, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш борасида "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида мамлакатимиз рейтингни кўтарилди.

29 миңдан ортиқ кичик бизнес қороналарини умумий ўрнатилган шаклдаги солиққа ўтказиш ишлари мувофиқлаштирилиши натижасида "яширин иқтисодиёт" ҳажми сезиларли қисқартирилиб, ҳудудларда бюджет тушумлари ошишига салмоқли замин яратилди. Йил бошидан 341,2 миллион сўмлик 32 та санаот объекти ва ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилиши натижасида эса 1806 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ўтган даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиши даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилган тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилиши иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун мустаҳкам асос бўлди.

Тўғри, жорий йилнинг биринчи қорғида бажарилиши лозим бўлган Давлат дастури айрим бандларининг ижроси давом этмоқда, баъзи бандлар ижросининг муддати узайтирилган. Фракцияимиз аъзолари жорий йил апрель ойининг бошида давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асо-

қолаётгани, жойларда дастурда белгиланган вазифаларга совуққонлик билан қаралаётганини кўради.

Давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифа, унинг ижроси одамларни рози қилишдан иборатдир.

Шу нуктаи назардан қараганда, аҳолининг арзон уй-жойларга бўлган талаби юқорилигини инобатга олиб, қўшимча равишда уй-жойлар қуриш чора-тадбирларини белгилаш, оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш манзилли дастури ижросини амалда тўлақонли ва сифатли ижро қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи теледастурларда икки йилги лавҳалар асосида қўйсилган кўрсатилди. Ҳамма учун ёпик Хонобод шаҳри бугун дунёга, халқига очилиб намоён бўлаётгани ҳам раҳбар ишларига баҳо беришнинг индикатори, ўзига яраша тарозисидир.

Фракцияимиз аъзолари келгусида Ҳукумат ҳисоботларида ана шундай ижобий мисоллар кўп бўлишига умид қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Абдуғани Умиров:

– Фракцияимиз аъзолари фикрига кўра, тақдим қилинган ҳисоботда мамлакатда амалга оширилаётган ишлар, эришилган энг муҳим кўрсаткичлар кенг ёритиб берилган.

Шу билан бирга, келгусида тақдим қилинадиган ҳисоботларда Давлат дастури ижро муддатлари "йил давомида" деб белгиланган вазифалар ижросининг аниқ муддатларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий йўналишларидан бўлган тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, соҳага доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, соҳага давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Бунда асосий эътиборни қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ оилавий поликлиникалари фаолиятини яхшилаш орқали бирламли тиббиёт-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга қаратилаётгани аҳамиятлидир.

Бугунги кунда эса Президентимиз ташаббуси билан бевосита парламент депутатлари иштирокида ҳар бир вилоятда тиббиёт соҳасида намунали туман ва шаҳар ташкил этиш ишлари бошлаб юборилмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ва Бобўт туманида аҳолига бирламли тиббиёт-санитария ёрдами кўрсатишнинг намунали ташкил этиш жараёнида қўллаб-қувватлаш ҳал этилиб, ижобий натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар ушбу йўналишда олдимизда ҳали қилиниши лозим бўлган қатор вазифалар турганини кўрсатмоқда.

Хусусан, фракцияимиз фуқароларнинг ягона электрон тиббий картасини яратиш, "Электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизимини барча ҳудудларда қисқа муддатларда жорий этиш ишларини якунлаш ҳам зарур, деб билади.

Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси Сиддик Абдуқиевнинг фикрича, Ҳукумат ҳисоботидаги маълумотлар Давлат дастури ижтимоий билан амалга оширилаётганини қўрсатади. Аммо ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам маъжуд, Хусусан, Ҳукумат ҳудудлардаги аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, танқидий қайта кўриб чиқиши, ижроси юзасидан парламентга маълумотларни тақдим этиши лозим. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш концепцияси, Ўзбекистоннинг Париж битимига қўйилиши муносабати билан "яшил иқтисодиёт"га ўтиш бўйича давлат стратегияси лойиҳаларини янада такомиллаштириш мақсадида уларни парламент аъзоларига тақдим этиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, Давлат дастурида белгиланган Орёлбўйи ҳудудида экологик инновациялар ва технологиялар зонасини яратиш бўйича халқаро анжуманга тайёргарлик ишларини ҳам қучайтириш керак.

Кизгин ва амалий руҳда кечган ўзаро савол-жавоблардан сўнг депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи қорғида бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини маълумлашди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурини бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифларни ўз ичига олган қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

ҲУКУМАТ ДАВЛАТ ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛАРГА ИЛК БОР ҲИСОБОТ БЕРДИ

сида Вазирлар Маҳкамаси томонидан марказда ва жойларда барча имконият ҳамда салоҳиятдан тўла фойдаланган ҳолда, Давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижросини таъминлаш, иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган барча тадбирлар кўрилатгани ишонч билдиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев:

– Ҳукумат ҳисоботида таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризмни янада ривожлантириш, ёшларга оид давлат сийсатини такомиллаштириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувчилик таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг ижро этилиши ҳолатига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Албатта, бу борада таҳсинга сазовор амалий ишлар қилинган. Аммо Давлат дастурининг биринчи қорғида ижроси борасида айрим камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асосларини такомиллаштиришга оид биргина норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани боис, ушбу масалага тааллуқли барча вазифалар тўлиқ бажарилган, деб маълумот тақдим этилган. Ваҳоланки, аниқ мақсадни қўлаған биргина Низомининг қабул қилингани билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асослари тўлиқ такомиллаштирилди, деб ҳўлибса қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, республика музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ ҳафозадан ўтказиш, унинг яқини бўйича ҳар бир музей каталогини яратиш назарда тутилган, бироқ ҳозирги кунга қадар ушбу вазифа ижроси охирига етказилмаган.

Шундан келиб чиқиб, Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботини эшитиш институтидан илк бора фойдаланилаётганини инобатга олиб, келгуси ҳисоботлар тақдим этилганга қадар материаллар ва маълумотларни янада такомиллаштириш ҳамда унинг ижроси белгиланган муддатда сифатли бажарилишини қатъий назоратда олиш тақлифи билдирилди.

Шунингдек, аҳоли ва ёшлар ўртасида қатъийликни тарғиб қилиш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, компьютер технологияларидан фойдаланиш қўникмаларини синдириш, хотин-қизларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта ташаббус йўналиши бўйича ишларни жадаллаштириш, бунда давлат-хусусий шериклик муносабатларидан самарали фойдаланиш тақлифларини илгари сурди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев сўз олар экан, фракция аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маълумлашган ҳолда, келгусида Ҳукумат томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган бир қатор тақлиф ва тавсияларни билдириди. Таъкидлаш лозимки, давлат аҳамиятига молик масалаларни бугунги кунда халқ билан бевосита муҳокама қилиш, ҳар бир масалада халқнинг фикрини ўрганish давлат сийсати даражасига кўтарилган. Ушбу жараённинг сийсат аҳамияти шундаки, халқимиз ўз вакиллари, яъни депутатлар орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини кузатиб, назорат қилиб боради.

Барча ютуқлар ўзимизники эканлигини билиб, масалага танқидий нуктаи назардан ёндашса, қўрилаётган масаланинг туб моҳиятига эътибор қаратса, айрим вазифаларнинг бажарилмаслиги ёки кечиктириб бажарилиши, қарор ўрнига чора-тадбир лойиҳаси тайёрланиб, ижроси қозғода

ДЕПУТАТЛАР ҚАНДАЙ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ҳисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштиришга, бюджет тизимини маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлашга ҳамда давлат активларини бошқаришнинг оқилона ташкил этилишига хизмат қилади.

Мажлисида баҳс-мунозараларга бой бўлган масалалардан яна бири – "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Мазкур ҳужжатдан қўзланган асосий мақсад омонатчиларнинг ҳамда банк хизматларида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, банкларнинг барқарорлиги, улар ўртасида соғлом рақобатни таъминлашдан иборат бўлиб, энг муҳими, омонатчиларнинг турли қутилмаган таваккалчиликлардан ҳимоялаш орқали банкларга бўлган ишонч даражасини оширишни назарда тутди. Шунингдек, банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим чораси сифатида қонун лойиҳаси билан банкларни рўйхатга олиш тартиби ва шартлари, шу жумладан, норезидентларнинг банк капиталидаги иштироки тартибга солинимоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, халқаро таърибани инобатга олиб, қонун лойиҳаси билан бир банк бошқа молия институти назорат қилувчи, юридик шахс бўлмаган молия институти билан бирлашмаси – банк гуруҳи тушунасини киритилмоқда. Бу билан банкларнинг ўзаро масъулиятини ошириш, тизимли хатарларни қамайтириш, шунингдек, банкларни консолидациялашган асосда назорат қилиш орқали Марказий банкнинг назорат функцияларини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 12 мартдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 11-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиа-институти жорий этилишини кўзда тутди.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган-

лар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги ҳамда "Медиаинститути тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ижро этиш жараёнида медиаинститутидан фойдаланиш тартиби ва шартларини, шунингдек, уни қўллаш оқибатларини қонун даражасида белгилашга ёрдам беради.

Мажлисида қўриб чиқилган яна бир масала – "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишининг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлиб, у "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш" Давлат дастурининг 7-бандида белгиланган парламент палаталари бюджетларининг янги механизмларини шакллантириш ва ижросига қаратилган вазифаларни бажариш мақсадида Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган.

Фармон ва ижро

ОИЛА МАВЗУСINI ЁРИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилган ижтимоий-маърифий лойиҳалар, долзарб мавзудаги анжуманлар, турли спорт мусобақалари ва маънавий тадбирлар оила аталмиш муқаддас гўшаниннг тинчлиги, фаровонлиги, фарзандларимизнинг бахтга тўла, тўқис саодатли ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Оммавий ахборот воситаларида оила мавзусини ёритишнинг долзарб масалалари" мавзудидаги илмий-амалий конференция ҳам ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Анжуманда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором Тошмуҳамедова, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Фуад Пашаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси Акмал Саидов, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ректори Шерзодхон Қудратхўжаев ва бошқалар мамлакатимизда оила ва унинг асосларини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, хонадонлар манфаатларини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ ва манзилли тарзда қучи ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Шунингдек, конференция ишида мамлакатимизда оила мавзусини ёритишда журналистлар этикаси, масъулияти ва маҳорати масалаларинг таҳлили, ОАВда ёритилаётган оила масалаларига бағишланган мақолаларнинг жуда кам фоизини ташкил этиши, хусусан бу мавзудаги мақолаларнинг аксариятида жиноят тафсилотлари ёки салбий харақатлар ёритилаётганилиги, оила муаммоларининг туб моҳияти очиб берилмаётгани, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларга таҳлилий ёндашилаётганилиги ҳамда бу тадқиқотларнинг аксарияти жамоатчиликка ҳабар тарзида етказилаётганилиги ҳақида мулоҳазали, мушоҳадали, кизигин фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда турли сайтлар ва баъзи бир газета ва айнақса сарик матбуотда оилада бўлаётган салбий ва аянчли воқеаларнинг бўрттирилиб ёзилиши, эр-хотин, қайнона-келин ўртасидаги муносабатларни энг сўнгги долзарб мавзуда кенг ёритилиши (ўлдирди, осди, пичоклади ва ҳоказо...) воқеанинг олдини олишга эмас балки унинг янада илдиришга туртки бўлаётгандай таассурот қолдиришмоқда.

Зеро, азалдан ўзбек оиласининг ўзига хослиги ва ички устунилиги орият ва ҳаё пардасининг мустаҳкамлиги билан ўлчанган. Чигал масалаларга тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида очилкилик ва ҳолислик билан ёндашиш, ечимини топиш лозим бироқ, воқеа тафсилотларини миридан-сирингача кенг оммага ёйиш бизнинг ўзбекона ахлоқ нормаларимизга унчалик ҳам тўғри келмапти назаримда... Чунки қовун-қовундан ранг олади деганларидек қорғидаги мавзунининг кўп ва кенг ёритилиши бизнинг назаримизда оилавий низоларнинг ва аянчли воқеаларнинг янада кўпайишига сабаб бўлаётгандай...

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини замон талабига монанд йўлга қўйиш имконини берган бўлса, ушбу ҳужжат билан "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг мутлақо янги асосда ташкил этилишига замин яратди.

Ҳозирда аёллар билан иш олиб боришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсат фаолиятини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга қўмак бериш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг сийсат ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан бевосита оилалар билан ишлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Ҳудудларда хонадонма-хонадон юриб, оилаларни ўйлантираётган долзарб масалалар чуқур ўрганилмоқда. Мураккаб вазиятга тушиб қолган хонадонларга қўмак кўрсатиш, оилавий ажримларга барҳам бериш юзасидан тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш орқали оилалар фаровонлигини юксалтириш бўйича ҳам қатор лойиҳалар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Жумладан, марказ томонидан оилаларга психологик, ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам бериш, бўлажак эр-хотин ва ёш оилаларнинг оила олдидаги масъулиятини оширишга оид қўллаб-қувватлаш ишлари олиб боришмоқда.

Айни пайтда турли мураккаб психологик вазиятда қолган ёш оилаларни ажримдан асрашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Конференцияда оила мавзусини ёритишда журналистларнинг касбий этикаси ва ижодий маҳоратини оширишга оид маърузалар батафсил муҳокама этилди. Тадбирда билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида резолюция қабул қилинди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Муқаддас ислом динининг эзгу амалларини эъозлаш, улуғ алломаларининг меросини тиклаш, қадамжоларини обод этиш борасидаги хайрли ишлар муборак Рамазон ойида эзгулик нурларини янада кўпайтиради, дейдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 10 майда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиши чоғида Сузук ота мажмуаси билан шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуа тўла фойдаланишга топширилди.

Бу, авваломбор, пойтахт аҳолисига айна муқаддас Рамазон кунларида ўзгача тўхфа бўлди. Янада муҳими, ушбу эзгу амаллар давлат раҳбари ташаббуси билан ҳар йили Рамазон ойида ислом динининг асл моҳиятини тарғиб этиш, илм-фанни ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, мўмин-мусулмонлар учун кенг шароит яратиш бўйича янги-янги ташаббуслар рўйбга чиқарилаётганининг наватбадаги амалий тасдиғидир.

Чиндан ҳам, Сузук ота зиёратгоҳини яқин-яқингача кўпчилик билмас эди. Мамлакатимиз раҳбари 2017 йил 26 май куни Сузук ота мажмуасида бўлиб, маҳалла ичида қолиб кетган, қаровсизликдан зах тортиб, нураб ётган эски макбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берган эди. 2018 йил 9 февралда қурилишнинг бориши билан танишиб, мажмуа ёнида хунармандлар маркази ва кутубхона барпо этиш бўйича кўрсатма берди.

Шундан сўнг амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тарихий обидаларга янги ҳаёт бахш этди. Ана шу тўб ўзгаришлардан руҳлиб, Сузук ота ҳаётининг тарихий ҳақида ёзган мақоламиз газетанинг олдинги сонларидан бирида эълон қилинган.

Шунинг учун энди шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўхталишга жазм этдик. Бу ҳақда сўз борганда, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуа айнан Сўғали ота кўчаси бўйида барпо этилганлиги ҳисобга олиб, аввало, ушбу улуғ зот хусусида фикр юритиш ўринлидир.

Сўғали ота XVI-XVII асрларда яшаб ўтганлар. Сўғали ота табиб бўлиб, танасида сўғали борлар у кишидан шифо топган. Беморларни асосан гиёҳ-ўт билан даволаганлар.

Манбаларга қараганда, Сўғали ота етти биродарнинг бири бўлган. Энг катталари Сўғали ота, укалари Фойиб ота, Бўлак ота, Илонли ота, Терақон ота, Сандиқли ота, Фозил отадир. Улардан беш кишининг номи билан қабристонлар аталган.

Хусусан, Сўғали ота вафотларидан сўнг дафн этилган жой — Тошкент шаҳрининг ҳозирги Чилонзор туманидаги қадимий қабристон у зотнинг номи билан юритила бошланган. Кейинчалик бу ердан ўтадиган кўчага ҳам Сўғали ота номи берилган.

Шу ўринда бундан саккиз йилча илгари "islom.uz" сайти орқали юрдошларимиздан бирининг Сўғали ота қабридан тупроқ олиш масаласидаги саволга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қайтарган мухтасар жавобга тўхталишни ҳозир, деб топдик.

Гап шундаки, савол эгаси фарзандининг қўлидаги сўғалилар бир неча жароҳлиқ муолажасидан кейин ҳам тузалмаган шифокор маслаҳати билан Сўғали ота қабристонига бориб, ўша шифоли деб аталган лойдан шифоси Аллоҳдан деган ниёт била олиб келганини ёзган. Шайхга "Қабрдан тупроқ олиш ва ўзи билан олиб кетиш мумкинми?", дея мувожаот қилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ушбу саволга қисқанча қилиб, "Мумкин эмас", деган жавобни битган. Нега? Чунки, назаримизда, бу жавобнинг шарҳи саволга ҳавола қилинган талқинда ўз муҳассамини топганди. Мувожаот этувчи қабр ёнидаги дарахт шоҳларига илгар бонланганини, одатда, бундай ишни илмисиз аёллар ва уларга эргашган эркаклар қилишини баён этган. Сўнгра "бунда ширкиннинг аломатлари қалашган бўлади", деган фикрга келганини билдирган.

Шайхга савол берган киши "бу дарахт тасбиҳ айтиши

боис экилган, лекин кишиларнинг ширкидан озор кўрган ва ўзи истифогарга муҳтож", деб ёзади. Демак, мувожаотчи шариат ва ширк борасида тегишли тушунчага эга. Шунинг учун Шайх ҳазратлари мувожаотчининг ҳурмат-иззатини жойига қўйган ҳолда, узоқ насихат қилиб ўтирмади, иккита сўздангина иборат жавобига яна бир мухтасар илова қўшиб билан қийофланган. Яъни, "Дарахт ҳақидаги мулоҳаза тўғри", деб қайд этган жавоб соҳиб.

Бу мухтасар жавоблар мисолида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг, аввало, ҳар қандай тоат-ибодат фақат Яратганга қаратилиши ва нажот ҳам Қодир Эгамдан қутилиши керак, деган ақидада қанчалик собит эканига амин бўламиз. Қолаверса, умри давомида не-не хасталар ўзи дардига шифо топишига сабабчи бўлган Сўғали отанинг руҳи покларини безовта қилмасликка, содда қилиб айтганда, у зотнинг мазоридан тупроқ олиб кетмасликка чорлов ҳам ўзига хос маърифий сабабдир.

Яна бир воқеа: Сўғали ота қабристонини яқинидаги "Тинчлик" масжидида 2012 йил кишида кичик ёнғин чиққани туфайли кейинги йил баҳорда бу ерда янги масжиднинг биринчи гишти қўйилган. Бунда аввало муфтий Усмонхон Алимов, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари, шайх Абдулазиз Мансур, Тошкент шаҳар бош имом хатиби

ЗАМОНАМИЗНИНГ ЕТУК УЛАМОСИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Анвар қори Турсуновдан, шунингдек, маҳалланинг энг кекса отахонлари ва бошқа азиятлардан фотиҳалар олинган.

Янада муҳими, ўшанда "Тинчлик" масжиди қурилишида иштирок этган ҳашарчилар, ташкилотчилар, маҳалла раислари маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда "Сўғали ота" масжидининг томини ёпишган. Зиёратгоҳ атрофини ўт-ўланлар, ёввойи дарахтлар, қовжираб ётган шох-шаббалардан тозалашган.

Сўғали ота билан Шайх ҳазратлари номларини ўзаро боғлайдиган учинчи ҳаётий мисол шуки, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуа айнан Сўғали ота кўчаси ва Гўзал кўчаси кесимида барпо этилди. Шу муносабат билан қисқа вақтда бу ерда улкан ободонлаштириш ва кўчаларозорлаштириш ишлари амалга оширилди. Турли манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Фаввора қурилиб, замонавий ўриндиқлар ўрнатилди.

Мажмуа тарихида икки минг кишига мўлжалланган масжид, анжуманлар зали, музей, кутубхона, макбара, таҳоратхона ва бошқа ёрдлаччи хоналар бунёд этилди. Давлатимиз раҳбари ана шу бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, жумладан, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг илмий меросини ўрганиш, китобларни чоп этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу асосда бугунги кунда юртимизда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёт йўли ва бой меросини изчил ўрганишга киришилди. Бу бежиз эмас.

Биринчидан, чиндан ҳам, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 1989 йилда, жуда кийин ва мураккаб даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий бўлиб, диний қадрият ва аъёнлар қайта тикланишига катта ҳисса қўшган.

Аллома ислом оламида маълум ва машҳур бўлган "Адабул муфрад", "Мухтасарул Викоя", "Маъраблар — бирлик

Маънавий қадриятларимиз

рамзи", "Маъхабсизлик — ислом шариатида таҳдид солувчи энг хатарли бидъат" каби китоблари ўзбек тилида шарҳлаб, халқимизга динимизнинг асл арконларини етказган.

Бу давр исломий илмлар, диний қадрият ва аъёнлар қайта тикланган давр сифатида тарихимизда алоҳида ўрин тутди.

Иккинчидан, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф муфтий сифатида собиқ тузум давридаёқ халқаро миқёсда кенг фаолият юритиб, қўллаб-қувватлов мақолатлари билан маданий-маърифий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга эришган.

Натижада шўро ҳукуматининг мусулмонларга нисбатан сиёсати ўзгариб, масжид ва мадрасалар очилган, ҳаж зиёратига борувчилар кўпайган. Хусусан, 1990 йилда Марказий Осиё мамлакатларидан 500 нафар мусулмон илк бор Тошкент шаҳри орқали ҳаж зиёратига боришга муваффақ бўлган. Ваҳоланки, ўша даврда собиқ иттифоқ бўйича ҳар йили бор-йўғи 20-30 киши ҳажга борган, ҳолос.

Учинчидан, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат диний, балки маърифий, тарихий, ахлоқий, иқтимоий мавзуларда 100 дан зиёд китоблар ёзган. Унинг ҳикматли асарлари, суҳбатлари, телевидение ва матбуотдаги чиқишлари юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб борган.

Шайх ҳазратлари, авваломбор, Қуръони карим маъно таржимасини амалга оширган. Муаллифнинг "Тафсири Хилол" деган олти жилдли асари Қуръони карим тафсирига бағишланган. "Ҳадис ва ҳаёт" номли туркум тафсирига эса Мансур Али Носиф Ҳусайнийнинг "Ат-тажул-жамиъ лил-усул фи аҳадири-росул" асари таржимаси ва шарҳидан иборатдир. Исламнинг асосий мавзулари бўйича жамланган ушбу мухташам ҳадислар тўлаими 37 жилдли ва 39 жузли йирик силсилани ташкил этган.

Шунингдек, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг "Исламда инсон ҳуқуқлари", "Исламда экология", "Оила фароғат қасри", "Ижтимоий одоблар", "Бозор ва унга боғлиқ масалалар" каби ўнлаб китоблари долзарблиги билан ажралиб турди. Олимининг видеоасавирга туширилган юзга яқин дисклардаги маърузалари ҳам катта диний-маърифий аҳамиятга эгадир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг китоблари кенг илмий асосга эга бўлиб, қўшни мамлакатлар, Россия ва Европада ҳам ўрганилмоқда. Улуғ алломанинг асарлари инглиз, рус, турк, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Туртинчидан, Шайх ҳазратларининг дунё мусулмонлари ўртасидаги обрў-эътибори жуда баланд эди. Бу улуғ ва тандошимиз Бутундунё мутафаккир уламолари уюшмасининг Ижроия қўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон мусулмон уламолари халқаро уюшмаси, Бутундунё Ислам уюшмаси каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг, Иордания қироллик академиясининг ҳам аъзоси бўлган.

У киши Миср Араб Республикасининг "Нил лаври" олтин нишони, шунингдек, Россия, Ливия ва бошқа давлатларнинг қўллаб-қувватлов муқофотларига муносиб топишган. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, замонавий тарихимизда исломий илмлар бўйича ҳеч ким бу даражада юксак мавқега кўтарилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг муқаддас динимиз равнақи, юртимиз оёйишталлиги ва халқимиз маърифати бахш этган самарали ҳаёт йўли, турли тилларда чоп қилинган асарлари ёш авлод учун улкан тарбия ва ибрат манбаидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида амалга оширилаётган ислом динининг асл моҳиятини тарғиб этиш, ёш авлодни миллий қадриятларнинг руҳида тарбиялаш борасидаги қўллаб-қувватлов ишлари шодаси, шубҳасиз, ушбу улуғ юрдошимиз номи абадийлаштиришга қаратилган кўтулғу амаллар тимсолида янги дуру марварид билан бойиди.

Акмал САИДОВ, академик



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Ўзини асрамаганининг боши дарддан чиқмайди.

Қарилгани бўйинига олма, Фам-қулфатга ўзингни солма.

Содда кўринган муттаҳамдан кўрк.

Қилинган меҳнат бир куни рўёбга чиқади.

Ҳар ким ўз даражасидан келиб чиқиб фикрлайди.

Агарда қилсанг сабр, Сенга ҳам келар давр.

Ҳавас қилувчи кам, ҳасад қилувчи кўп.

Ишлайдиган одам ҳамма жойга ҳам керак.

Иши битгандан гина қилма.

Сонда бору санокда йўк.

Ҳавою ҳавас Қилар сени маст.

Шошиб қилинган ишдан кўпинча ўзинг ҳам уялиб юрасан.

Рух энгил бўлса, жисм чарчамайди.

Ишончини йўқотган — қувончини йўқотган.

Бировдан тама қилиш муттаҳамлик.

Мақсад фақат манфаатдан иборат бўлмаслиги керак.

Совуқ гап вужудингни музлатади.

Ҳаётда ҳамма нарса ҳисобга олинган.

Энг оғир юк — миннат юки.

Кўнгилчанлигинг ўзингга зиёну бошқаларга фойда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for CAPITAL TRUST INVEST MCHJ, offering services for property auctions and legal assistance.

Advertisement for Respublika mulk markazi MCHJ, providing real estate services and legal support.

Advertisement for V. Uspekenskiy, offering legal services and business solutions.

Advertisement for Pediatrya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi, providing medical services for children.

Advertisement for Bekor Kliinadi, offering computer and IT services.

Advertisement for Pediatrya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi, providing medical services for children.

Advertisement for Bekor Kliinadi, offering computer and IT services.

Advertisement for Pediatrya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi, providing medical services for children.

Table with 4 columns: ID, Name, Date, and Contact Info.

Advertisement for OMEGA SUPRIME TRADE MCHJ, offering legal services.

Advertisement for Bekor Kliinadi, offering computer and IT services.

Advertisement for Bekor Kliinadi, offering computer and IT services.

Advertisement for UZIDROMET, offering water supply and engineering services.